

Кейинги ўринларда Сариосиё туман Ободонлаштириш бошкармаси номидан *НИЗОМ* асосида иш юритувчи Мухаммадиев Зафар Нурмахматович бир томондан ва кейинги ўринларда «пудратчи» деб юритиладиган Сариосиё ТЙФУК номидан *НИЗОМ* асосида иш юритувчи Рахматуллаев Муслиддин Жамшедович иккинчи томондан, 18.07.2022 йилдаги № 120208-сонли эълонга асосан шартномани тuzдилар.

### 1. Таърифлар.

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади: Ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

Қурилиш майдони-мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси, Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

Вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар: Беркитиладиган ишлар- сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### 2. Шартнома мавзуси.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига, лойиха-смета ҳужжатларига ва тасдиқланган ишларни бажариш графигига асосан, САРИОСИЁ ТУМАН ШАРГУН ШАХАР ФЕРУЗ МФЙ ШАХТИЁРЛАР КУЧАСИ ШАХАР МАРКАЗИЙ КУЧАЛАРИНИ ИЧКИ АВТОМОБИЛЬ ЙУЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ 1-740 КМ ишлари қузла тутилган ҳолда бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 3. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган объектнинг қурилиш қиймати меҳнатга ҳақ тулаш фондига нисбатан ягона ижтимоий тулов ставкаси (25%) билан биргаликда ҳамда барча солиқ туловлари шу жумладан ҚҚС (15%) 74717570 (Етмиш тўрт миллион етти юз ун етти минг етти юз олти сўм) билан биргаликда объектнинг умумий қиймати 572834706 (Беш юз етмиш икки миллион саккиз юз ўттиз тўрт минг етти юз олти ) сўмни ташкил этади.

4. Қурилиш-монтаж ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- жорий таъмирлаш ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан бош пудратчи ўртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

### 4. Бош пудратчининг мажбуриятлар

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

- шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади

- зарур ҳолларда айрим иш турининг бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина механизмлар ўрнига, уриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бўзилмаслигини курсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

- барча ишларни шартномада ҳамда унинг I-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг қучларини билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

- объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа

хом- ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

- зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудда вақтинчалик иншоотлар қуради;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисида далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкция ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва туликҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

- лойиха-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларни қуриш, қучириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр ўтказиш тармоқлари ва ҳақозо) бўйича махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулккий жавоб беради. Пудратчи Буюртмачи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади. Буюртмачи Пудратчи билан тузилган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

## 5. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- Ишлар бажарилиши устидан доимий йул қурилиши сифати назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## 6. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддатлари

10. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадалли 1-иловасига мувофиқ амалга оширилади ва унда кўрсатилган охири муддатга қадар амал қилади.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ.

10. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қафолатлайди.

11. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи қорхонанинг манфаатларида унинг агентлиги ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи қорхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

## 8. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

12. Буюртмачи томонидан Бош пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдорда аванс маблағи ажратилади.

13. Жорий молиялаштириш бажарилган КМИ сифати ЛСХга мувофиқлиги текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ойма-ой бажарилган КМИни 30 фоизи миқдорда амалга оширилади.

Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун маблағлар Сурхондарё вилоят Сароисиё ТЙФУКнинг ИНН 200494274 х/р 470010860222177045193118001 га туланилишига қелишилди.

14. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган "Маълумотнома-ҳисоб-фактура га (Ф-3 шакл) асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажарилган ишлар миқдоридан фойз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолинади.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодиқий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## 9. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш

16. Буюртмачи шартномани бажарилишини тулик назорат қилиш учун қурилиш майдонида ўз вакилини техник-назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ва муддатлари устидан доимий техник-назоратни амалга оширади.

Шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади. Аниқланган камчиликларни белгиланган тартибда расмийлаштиради, бартараф этиш чораларини қўради ва ўз вақтида ёзма равишда раҳбариятга тақдим этади.

17. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди, Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

18. Пудратчи қурилиш даврида Буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йул қисмигача бориб қелишига транспорт, қурилиш майдонида иш жойи лозим топилганда ётоқжой (дала шароитида) таъминлашни ўз зиммасига олади.

19. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, килинган сарф- харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кўзатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан ойнанинг охиригача объектнинг узида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнанинг биринчи кунига қадар "Буюртмачи" га топширади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул килинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади. Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бўлмаган ҳолда, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаш усули ва машина-механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати баланд/паст механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аниқлашда Пудратчи амалдаги нарх ва механизмлар бўйича расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини йўл қурилиши сифатини назорати органлари билан келишади

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади

23. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

24. Пудратчи ўзи юмонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

25. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

26. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили - техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили - иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда), Ёпилиб кетадиган ишларини қабул қилиб олиш натижалари урнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга руҳсат берилади. Далолатномага улчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

27. Пудратчи кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

28. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса,

у ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича, Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ

беркитиладиган ишларни инсталланган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфъатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва кийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни жорий таъмирлаш жараёнида технологик жараён олиб борилишини тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, бир квартал ичида тугалланиши белгиланган конструктив элементлар учун объектга олиб келинган қурилиш материаллари киймати туловга қабул қилиниши мумкин. Бунда объектга олиб келинган қурилиш материалларини сифатли ва тулик ҳажмда объект фойдаланишга топширилгунга қадар сақлаш Пудратчи зиммасига юклатилади ҳамда туловга қабул қилинган қурилиш материаллари бир квартал ичида конструктив элемент шаклига келтирилмасе Пудратчи томонидан туловга тақдим қилинадиган иш ҳажмидан туловга қабул қилинган қурилиш материаллари киймати камайирилади.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқланса у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилишиланган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

30. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга тугаш йўл участкалари ва йўлакларнинг озодлигини таъминлайди.

31. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмасе, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларларни қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 10. Жорий таъмирлаш ишларини қуриқлаш

32. Бош пудратчи (субпудратчилар) КМИ бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган

объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қуриқланишини таъминлайди.

### 11. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

33. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига беvosита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда ўзайтирилади.

34. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда бош пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

### 12. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

35. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

36. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида бош пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15-кун мобайнида қабул қилиб олинади.

37. Бош пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Бош пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

38. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

39. Томонлар далолатнома асосида қабул қилиш ва топшириш далолатномасини тузадилар.

40. Бош пудратчи:

-барча КМИ ишлар тулик лойиха ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

-лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

-узи томонидан қурилиш учун қўланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида ўз ҳисобидан бартараф қилишни;

-объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

41. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар бош пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари бош пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

42. Бош пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган бошқа далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш лицензияси бор мутасадди ташкилотлар томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича ҳужжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### 14. Шартномани бекор қилиш

43. Буюртмачи бир томонлама:

-шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга қура бош пудратчи томонидан 10 (ун) кундан кўп вақтга кечиктирилганда;

-КМИларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати бош пудратчининг айби билан 7 (етти) кундан ортиқ муддатга қупайган ҳолда, бош пудратчи томонидан КМИни календар графиги (сетевой график) риоя этилмаганда;

-Бош пудратчи томонидан шартнома шартлари КМК ва ШНК меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг ЛСХга мувофиқлиги пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

44. Бош пудратчи:

-КМИнинг бажарилиши бош пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;

-Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

45. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

46. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бош

берилган фойдани тулайди.

47.Шартномани бир томонлама бекор қилишга фақат Буюртмачи томонидан қуйилган шартнома шартлари бажарилмаганда йул қўйилади, бошқа вақтда конун хужжатларида кўрсатилган асослар буйича бекор қилиниши мумкин.

### 15.Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

48.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган, ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий баъзаси тўғрисида»ги 1998 йил 29 августдаги № 670-1-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-32 моддаларида, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган жавобгарлик қоралари қўлланилади.

49.Агар бажарилган қурилиш-монтаж ишлари лойиха талабларига, белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи махсус аккредитланган қурилиш синов лабораторияси (инспекцияси) ҳулосаси асосида, объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ туланидан бош тортиши, шунингдек пудратчидан қурилиш нормаларига риоя қилинмаган ҳолда бажарилмаган яъни зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқлорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

50.Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарни қоплайди.

51.Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### 16.Низоларни ҳал этиш тартиби

52.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашдан пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан қуриб чиқилади.

### 17. Алоҳида шартлар

53.Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли булган томонлар ўртасидаги барча олднинг ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

54.Бош пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли лойиха-смета хужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, Субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

55.Мазкур шартномага барча ўзгартиришлар ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

55.Буюртмачи билан бош пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

56. Агар бош пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи бош пудратчи қурилиш майдонини бўшатиш санасигача бажарилган ишлар учун ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

57.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.

58.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусxada тузилди.

59.Мазкур шартномага бош пудратчи ва буюртмачи томонидан имзо қўйилиб газначиликда руйхатга олингандан сўнг конуний ҳисобланади.

60.Мазкур шартноманинг молиялаштириш қисми 2022 йилнинг 31 декабрина қадар амалда бўлади.

### 18.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик

манзиллари:

Буюртмачи:

Пудратчи:

Сариосиё т“Ободонлаштириш” бошқармаси  
Сариосиё туман Афросиёб МФЙ  
Тел:91-968-31-00

Сариосиё ТИФУК Сариосиё тумани Чароғон  
Банк номи: ТИФ Миллий банк Денов бўлими

ИНН: 300355032 ОКОНХ: 9021

МФО 00845 ИНН: 200494274

Ш/х: 100027800222177045204110004

МФЙ № 17010860222177045193118001

Газловчи қўлёлими номи: Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги

ОКОНХ

Тел: 91-968-31-00

Бойлик



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**№VY06344387**

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**“Ichki avtomobil yo'llarini joriy ta'mirlash shartnomasi”**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Sariosiyo tuman Obodonlashtirish boshqarmasi. 20.07.2022 y.**

Sariosiyo tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 20-iyuldagi Sariosiyo Tumani Yo'llardan Foydalanish Unitar Korxonasi bilan tuziladigan 572 834 706 (Besh yuz yetmish ikki million sakkiz yuz o'ttiz to'rt ming yetti yuz olti) so'm qiymatiga ega bo'lgan “Ichki avtomobil yo'llarini joriy ta'mirlash shartnomasi” loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va ushbu loyihani qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
Bosh yuristkonsulti**



**V.Ravshanov  
21.07.2022**



Yundik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to' GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektini yagona davlat reyestriga

"SARIOSIYO TUMANI YO'LLARDAN FOYDALANISH" Unitar korxonasi

(Yundik shaxsning) tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatildan hovdagi ro'lg nom

"SARIOSIYO TUMANI YO'LLARDAN FOYDALANISH" UK

(Yundik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yhatdan o'tqazish ma'lumotlarini o'zgartirish

18.08.2011

107-11

ro'yhat raqamli yozuv kiritilganligi tas

(Sana oy isovz bilan) yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

200494274

Tashkiliy-huquqiy shakli

Unitar korxonasi

Joylashgan joyi

Surxandaryo viloyati, Sariosiyo tumani, Xufar CHARAG'ON MFY

Guvohnoma

Surxandaryo viloyati, Sariosiyo tumani, YAGONA DARCHA MARKAZI

tomoni berilgan

Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'lg nomi



Handwritten signature

Техник Топширик

Энг яхши таклифни танлаб олишнинг маълумот жадвали



Ушбу бўлимда танлов предмети билан боғлиқ аниқ коидалар, шунингдек танлов ҳужжатларининг талаблари ҳақида маълумот келтирилган

№	Бўлимга номи	Бўлимлар учун танлов шартлари
1	Буюртмачи	Сариосиё Ободонлаштириш бошқармаси
2	Объект номи:	Сариосиё туманидаги Шаргун Шаҳар Феруз МФЙ Шахтиёрлар ички кучаси ички йулларини жорий таъмирлаш ишлари (582000000 сумдан 9165294 сум лойҳа смета ҳужжатлари қамайтирилган )
3	Танлов рақами	<a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a> веб сайтыда эълон қилинган
4	Мижознинг манзили ва реквизитлари	Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Афросиёб МФЙ Шхв 100022860222177045204110004 Марказий Банк ХККМ
5	Алоқа учун шахс:	Бухгалтерия бўлими Ибрагимов Набижон тел +998 97-847-73-00
6	Танлов эълонлари эълон қилинди	Махс/с маълумот портали <a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a>
7	Иштирокчилар танловда иштирок этишларига руҳсат этилади	Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ
8	Лицензияланган иш турлари	Лицензия ёки гувоҳнома талаб қилинади
9	Танлов таклифни амал қилиш муддати	танлов таклифлари тугаган кундан бошлаб камида 3 кун
10	Танлов таклифларини қабул қилиш	техник қисимда иштирокчининг барча керакли ҳужжатлари нарх қисми ва таклиф қилинган нархнинг дастлабки ҳисоб китоби бўлиши керак Агар иштирокчи томонидан талаб қилинган ҳужжатларнинг барчаси тақдим этилмаса танлашдан четлаштирилади. Тақдим этилган ҳужжатларни ҳақиқийлиги буйича ИШТИРОКЧИ шахсан жавобгардир
13	Таклифларни тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси қонунларида курсатилган асосан электрон равишда буюртмачига юборади
14	Танлов таклифларини баҳолаш	Танлов таклифларини баҳолаш муддати танлов таклифларини қабул қилиш тугаган кундан бошлаб 5
15	Шартномани бажариш учун хавфсизлик	Олдиндан тулов 30% аванс сифатида, қолган 70% барча шартномавий мажбуриятлар бажарилганидан кейин
16	объектнинг бошланғич нархи:	ККС билан 572 834 706 сум.(Беш юз етмиш икки миллион саккиз юз уттиз тўрт минг еттиз юз олти)
17	Танлов тили	Ўзбек тили
18	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлар ҳисобидан
19	Шартнома валютаси	Сум

Ҳисобчи

Н Ибрагимов





Сарносие туман маҳаллий ҳокимликлар балансида бўлган кишлоқ аҳоли пункт кўчаларини 2022 йилда давлат дастури асосида жорий таъмирлаш ишларининг

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Объектлар номи ва манзили	Курилиш бошланиши ва тугаланиши йили	Курилишнинг 2022 йил январ ҳолатига кредитдорлик қиймати (минг сум)	Лойҳавий куввати, тегишли улчов бирликларида (кв)	Шу жумладан							
					Тупроқ йўлни тошга утказиш		Тошли йўлни асфальтга утказиш		Кора қопламали йўлни таъмирлаш		Асфальт йўлни таъмирлаш	
					КМ	МИНГ	КМ	МИНГ	КМ	МИНГ	КМ	МИНГ
1	09 122 СНК 3 Феруз МФЙ Шахтёрлар кучаси ички йўли	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
		2022 йил		0.74								
				0.74							0.74	

ЖАМИ:



Сарносие туман  
Хокими ўринбосари  
У.Мамалдиев



Абдолмалик Абдолмалиев



Сарносие туман  
Ободондирлиш бошқармаси бошлиғи  
Абдолмалик Абдолмалиев

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 120208 на приобретение САРИОСИЁ  
ТУМАН ШАРГУН ШАХАР ФЕРУЗ МФЙ ШАХТИЁРЛАР КУЧАСИ ШАХАР МАРКАЗИЙ КУЧАЛАРИНИ  
ИЧКИ АВТОМОБИЛЬ ЙУЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ**

Способ проведения электронный

Дата 18.07.2022

Время рассмотрения 18.07.2022 05:50

Конкурсная комиссия Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MUXAMADIYEV ZAFAR NURMAXMADOVICH	boshqarma boshlig'i	obodonlashtirish
<b>Секретарь комиссии</b>	NURALIYEV UKTAMION MELIKBOBOYEVICH	mexanik	obodonlashtirish
<b>Член комиссии</b>	CHORIYEV SAFARALI ERGASHI O'G'LI	ijro intizomi b'limi	obodonlashtirish
<b>Член комиссии</b>	ERMUMINOV UMID ZIYADULLAYEVICH	вилоят хокими уринбосари	Сурхондарё вилояти хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	НУСПАТОВ ХАМРОКУЛ РАХМАТУЛЛАЕВИЧ	bo'lim boshlig'i	ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	TOSHIMURATOV JAMSHED RUZIMAXMATOVICH	bo'lim boshlig'i	obodonlashtirish

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.07.2022 года № лота 120208.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по ремонту и содержанию автомобильных дорог</b>
<b>Подробное описание</b>	САРИОСИЁ ТУМАН ШАРГУН ШАХАР ФЕРУЗ МФЙ ШАХТИЁРЛАР КУЧАСИ ШАХАР МАРКАЗИЙ КУЧАЛАРИНИ ИЧКИ АВТОМОБИЛЬ ЙУЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ
<b>Количество товара</b>	1.00
<b>Единица измерения</b>	
<b>Цена товара (услуги) за единицу</b>	572 834 706.00
<b>*Стартовая сумма</b>	572 834 706.00
<b>Валюта</b>	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади). Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: БУЮРТМАЧИ ТАВСИФИГА КУРА

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SARIOSIYO TUMANI YO'LLARDAN FOYDALANISH UK	25	20	25	Экспертная		
SIDDIQ-FAROVON-FAYZ-SAVDOXUS	25	20	20	Экспертная		

Критерий №2 Танловда иштирок этувчи ташкилот хакида умумий маълумот Гувоҳномаси, СОҲАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИда автомобил йуллари ва куприкларда рейтинг курсаткичи мавжудлиги.Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар).Ишлаб-чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: БУЮРТМАЧИ ТАВСИФИГА КУРА

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SARIOSIYO TUMANI YO'LLARDAN FOYDALANISH UK	25	20	25	Экспертная		
SIDDIQ-FAROVON-FAYZ-SAVDOXUS	25	20	20	Экспертная		

Критерий №3 "Охирги 3 йил давомида Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш. "

Тип: Текстовое значение

Описание: БУЮРТМАЧИ ТАВСИФИГА КУРА

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SARIOSIYO TUMANI YO'LLARDAN FOYDALANISH UK	25	20	25	Экспертная		
SIDDIQ-FAROVON-FAYZ-SAVDOXUS	25	20	20	Экспертная		

Критерий №4 "Иштирокчининг банкидан картатека йуклиги хакида маълумот, Солик органларида солиқдан қарзи йуклиги тугрисида тасдиқланган маълумот, Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархнинг 20 %гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган)

Тип: Текстовое значение

Описание: БУЮРТМАЧИ ТАВСИФИГА КУРА

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SARIOSIYO TUMANI YO'LLARDAN FOYDALANISH UK	25	20	25	Экспертная		
SIDDIQ-FAROVON-FAYZ-SAVDOXUS	25	20	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
SARIOSIYO TUMANI YO'LLARDAN FOYDALANISH UK	572 834 706.00	572 834 706.00 UZS	572 834 706.00	00.00	572 834 706.00	14.07.2022 12:31:10	30.00
SIDDIQ-FAROVON-FAYZ-SAVDOXUS	572 834 706.00	572 834 706.00 UZS	572 834 706.00	00.00	572 834 706.00	16.07.2022 15:43:55	30.00

